


АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИКА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 29 ДЕКАБРЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 52 (598) • www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru



Юртимизда Янги йил байрами шодиёналари аллақачон бошланиб кетди.

Янги йилнинг шукуҳи ўзгача. Айниқса, бу бола-жонлар қалбига олам-олам қувонч бағишлайди. Арча атрофида шодон ўйин-кулгилар, эртас қаҳрамонлари билан учрашув, Қорбодан совға олиш уларни янада севинтиради.

Пойтахтимиздаги Миллий богда бошланган Янги йил тадбирлари ҳам жажжси иштирокчилар қалбига шундай таассурот қолдирмоқда.

Фракция йиғилиши

Маҳсулот сифатига жавобгарлик

ишлаб чиқаришдаги мансабдор шахсларга ҳам тааллуқли



Носир ХАЙРАТОВ олган сурат

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган «Адолат» СДП фракцияси йиғилишида «Ўзбекистон Республикаси» Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Йиғилишни бошқарган фракция раҳбари Дилором Тошмуҳамедованинг таъкидлашича, бугун юртимизда жиноят учун жазо тайинлашда янгича демократик ёндашувлар воқеликка айланди ва улар адолат ҳамда инсонпарварлик тамойилларига янада уйғунлашиб бораётган. Бу мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, пировард натижада қонун устуворлигини таъминлаш,

фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш йўлидан изчил бораётганидан далолат.

Йиғилишда айтиб ўтилганидек, амалдаги қонунчиликда хавфсизлик тушунчаси нафақат товар ва маҳсулотларга, балки кўрсатилаётган хизматлар ва бажарилаётган ишларга нисбатан ҳам аниқ кўрсатиб берилган. Бироқ, жазо чораларини кучайтириш фақатгина ишлаб чиқаришнинг технология ва санитария нормаларига риоя этмаётган ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг мансабдор шахсларига нисбатан тадбиқ этилмоқда. Ваҳоланки, мансабдор шахсларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифати бўйича жавобгарлигини ошириш низоҳатда долзарб масаладир.

2 -бетда ўқинг

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Маблағ самара келтирсин

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, алоқадор вазирлик ва идоралар, ҳокимлик ва ташкилотлар, қўмита ва бошқармаларнинг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Давлат бюджетидан солиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларнинг Тошкент вилоятидаги ижросига бағишланган ушбу мажлисни қўмита раиси И.Насриев бошқарди.

Таъкидланганидек, давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш борасида Тошкент вилояти солиқни сақлаш муассасалари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда вилоят

аҳолисига 92 шифохона, 352 амбулатория-поликлиника муассасаси тиббий хизмат кўрсатяпти. Доимий шифо ўринларининг сони вилоят бўйича жами 10 минг 361 тани ташкил этади. Жорий йилда ушбу солиқни сақлаш муассасаларида 250 мингга яқин бемор даволанди.

Йиғилишда соҳадаги камчилик ва нуқсонларга ҳам эътибор қаратилди. Солиқни сақлаш муассасаларида бюджет маблағларидан нотўғри фойдаланиш, бундай муассасаларнинг мансабдор

шахслари томонидан суиистеъмолчиликка йўл қўйилиши ҳоллари ҳам учрайди. Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирларига оид қонунчиликка зид равишда беморлардан олинган пул маблағлари банк муассасаларига тўла топширилмаган ҳоллар ҳам мавжуд.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
Ў.А. мухбири

Сарҳисоб

Ижтимоий соҳадаги ташаббус ва таклифлар

партия фаолиятига ҳамда қонун лойиҳалари тақомилига ижобий таъсир кўрсатди

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан 2005 йил январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида белгилаб берилган жамиятни янада демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш концепцияси асосида Ўзбекистон «Адолат» Социал демократик партияси ўзининг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича ўтаётган 2006 йилда ҳам муайян ишларни бажарди. Биз мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий таъриқига қўмаклашиш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, ҳаётимизда қонун устуворлиги, демократия ва гуманизм принципларининг барқарор бўлиши учун аниқ мақсадлар асосида ҳаракат қилдик. Инсон манфаатларини таъминлаш бизнинг партиявий фаолиятимиз асосини ташкил қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси фаолиятида долзарб ижтимоий масалаларни муҳокама қилиш, электорат манфаатларига жавоб берадиган қонунчиликни такомиллаштириш, сайловчиларни ва партия аъзоларини сиёсий жараёнларга жалб этиш асосий ўринни эгаллади. Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш, уларни қўмиталар ва палата мажлисларида муҳокама қилишда «Адолат» партияси фракциясининг депутатлари ўнлаб амалий таклиф ва қўшимчалар киритди ҳамда улар ушбу ҳужжатларни такомиллаштиришда ино-

батга олинди. Биз асосий эътиборни қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг ижтимоий жиҳатларига, уларнинг партиямиз дастурида зикр этилган адолат ва демократия принципларига мувофиқлигига қаратдик.

Қонунчилик палатасининг ҳар бир ялпи мажлиси олдидан фракциямиз аъзолари қонун лойиҳалари бўйича ўзининг муҳокамасини ўтказиб, уларда «Адолат» СДПдан сайланган депутатларнинг яхлит позициясини ишлаб чиқди. Бу қонун лойиҳалари муҳокамасида самарали иштирок этиш, биргаликда аниқ ҳаракат қилиш, палатанинг ялпи мажлислар залида ортиқча сўз-молликка ўрин қолдирмасликка имкон туғдирди. Назаримизда, бизнинг бундай фаол иштирокимиз қабул қилинган қонунлар сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Масалан, «Адолат» партиясидан сайланган депутатлар фракцияси «Солиқ маслаҳати тўғрисида», «Микролойиҳалаш тўғрисида», «Йод танқислиги касалликлари тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Оила, Солиқ, Жиноят кодексларига шунингдек, мамлакатнинг 2007 йилги давлат бюджетига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича бир қатор амалий таклифлар киритди. Бу таклифларнинг аксарияти мазкур ҳужжатларни тақомиллаштириш жараёнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисларида қабул қилинди.

Аниқроқ мисолларга мурожаат қилсак. Президентимизнинг 2005 йил 20 июндаги «Микрофирма-

лар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонунни яратиш белгилаб берилган эди. Мазкур қонун асосида республикамизда янги тизим, ма-лакали сертификатга эга бўлган янги касб эгалари — солиқ маслаҳатчиси ҳамда солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолият кўрсатиши назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳозир республика иқтисодий сиёсати негизда тадбиркорликни кенг қўллашда қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаб бериш вазифаси турибди. Бу борда мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнеснинг ривожини учун тўлақонли шароитлар яратилди ҳам. Чунотчи, тадбиркорларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи ва солиқ билан боғлиқ барча масалалар ечимини ўз зиммасига оладиган хизмат тури — солиқ маслаҳати хизмати жорий этилди.

«Адолат» СДП фракцияси мазкур қонун лойиҳаси устида гўят кутаринчи руҳ билан иш бошлади. Фракциямиз аъзолари тадбиркорлар билан бўлган қатор учрашувларда қонун концепцияси доирасида уларнинг манфаатларига жавоб берадиган мезонларни аниқлаштириб олди.

Айни пайтда соҳага доир ривожланган Европа давлатлари тажрибаси ақидан ўрганилди.

2 -бетда ўқинг

Байрамингиз муборак, азиз ватандошлар!

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши барча ватандошларимизни, партия фаоллари ва хайрихоҳларини муқаддас Қурбон ҳайити ва яқинлашиб келаётган 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили билан табриқлайди. Ўтаётган йилда партиямиз қизғин фаолият кўрсатиб, ўз мавқеини янада мустаҳкамлади. Келгуси йилда ҳам ташаббускорлик ва фидойилик кўрсатиб, мустақил мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшамиз, албатта. Мухтарам юртдошлар, она Ватанимиз — жонажон Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида янада юксак нуфузга эга бўлиши учун астойдил саъй-ҳаракат қилайлик. Эл-юрт келажагига дахлдорлик ҳисси билан яшаш, меҳнат қилиш ҳеч қачон, ҳеч биримизни тарк этмасин. Янги йил оилангизга қувонч, бахт-саодат, фаровонлик олиб келсин!

«Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши

Техника соз — машаққат оз

Муборак тумани дехқонлари келгуси йил ҳосилига пухта тайёрларлик кўраётганлар. Хусусан, мавжуд техника воситаларини мавсумга барвақт тайёрлаш учун жойларда таъмирлаш ишлари кўнгилдагидек амалга оширилмоқда.

— Тумандаги 430 та фермер хўжалиги билан шартнома тузганмиз, — дейди туман машина-трактор парки акционерлик жамияти раиси Набижон Боболов.

— Ўтган йили 11 минг гектар ерда пахта, 9 минг 500 гектар

ерда галла парваришлаган фермерларга намунали хизмат кўрсатилди.

Айни пайтда «Гулистон» машина-трактор парки ҳамда туман МТПСда техникаларни баҳорги экиш мавсумига тайёрлаш учун 80 нафардан ортиқ таъмирловчилар иштирок этаёпти. Сергей Икромов, Бозор Давронов, Шерали Қўчқоров, Акбар Эшқувватов, Карим Тўхтаев сингари тажрибали таъмирловчилар кўнлик ишда унум ва юқори сифат бўлишини таъминлашмоқда.

Минбар сизга мунтазир!

Газетамиз саҳифаларида «Адолат» СДП фаолиятига оид мақолалар мунтазам чоп этиб боришмоқда. Аммо бунинг етарли, деб бўлмайди. Бизни кўпроқ бошлангич партия ташкилотларида қилинаётган ишлар, муҳим изланиш ва ўрганас арзигулик ташаббуслар қизиқтиради. Шу билан бирга, газета тахририяти барча бошлангич партия ташкилотлари етакчилари мунтазам равишда соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлишлари муҳим масала эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Ҳурматли «Адолат» СДП бошлангич ташкилотлари, етакчилари, партия фаоллари, Сизлар амалга ошираётган ишларнинг газетда ёритилиши изланишларингиз самарасидир.



Ҳамкорликни кечиктирманг.
Янги йилни янгича ҳаракатлар
билан бошлайлик.
Марҳамат, минбар сизга мунтазир!

Ижтимоий соҳадаги ташаббус ва таклифлар

партия фаолиятига ҳамда қонун лойиҳалари тақомилига ижобий таъсир кўрсатди

Давоми. Боши 1 - бетда

Фракция Парламентнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Солиқ масалалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида катъий иш олиб бориб, унинг ҳар бир меъёрларига алоҳида эътибор қаратди.

Мухтасар қилиб айтганда, «Солиқ масалалари тўғрисида»ги қонун «Адолат» СДП Фаолият дастуридаги иқтисодий ислохотларни изчил давом эттириш ва тақомиллаштириш йўналиши бўйича белгиланган вазифаларга тўлиқ мос келади. Зеро, мамлакатимиз ҳаётида мазкур тизимнинг кенг жорий этилиши — катта ижтимоий аҳамиятга эга.

Бирмунча вақт аввал «Адолат» СДП фракцияси ташаббуси билан Олий Мажлиснинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикасида дори воситалари муомаласининг қонунчилик асосларини тақомиллаштириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзюда амалий конференция ўтказди. Конференцияда депутатлар, соҳанинг мутахассис олимлари, тажрибали соҳа ходимлари дори воситаларининг бозордаги ҳаракатига доир мавжуд меъёрий ҳужжатларни амалиётга таъдиқ этиш жараёнини атрафлича таҳлил қилишди.

Айтиш жоизки, бу борада ҳали ечимини қутаётган муаммолар талайгина. Хусусан, аҳолини сифатсиз ва қалбақлаштирилган дори воситаларидан ҳимоя қилиш шу куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Ноқонуний йўл билан республикамиз ҳудудига қилиб келатган дори воситаларини олдин олишда ҳам жиддий камчилик ва муаммолар мавжуд. Шундай экан, стандарт талабларига жавоб бермайдиган, қалбақлаштирилган, давлат реестрига киритилмаган дори воситаларининг муомаласи қарилган ҳолатда қўриқилган, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни қўйиштириш муҳим ижтимоий масалалардан бири ҳисобланади.

Айни пайтда фракциямиз «Доривор воситалар ва фармоцевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақомилга етказиш бўйича ишни якунлади. Бундай таҳлил ва турли экспертларни жалб қилган тадбир соҳанинг қонуний асосларини ва аниқ тақлифларни ишлаб чиқишга имконият яратди. Бу қонунга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш бўйича қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси тартибда Қонунчилик палатасига киритилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон «Адолат» СДП жамиятда ижтимоий адалат таъминлашини аёлларга бўлган муносабат орқали қарор топиши тўғрисидаги гоясини ҳам олға сурмоқда. Хусусан, партиявий дастурида мамлакат аёлларини ўзи таянадиган энг муҳим ижтимоий қатлам, деб билиш ва уларнинг жамиятдаги ролини оширишга изчиллик билан эришишга интилиши унинг стратегик устивор йўналишларидан бири сифатида белгиланмоқда. Бу йўналишда қатор ташаббуслар билан чиқмоқда.

Партия кўзуеи

Маҳаллий кенгашлардаги муҳокамалар

«Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг VII-Пленуми бўлиб ўтди. Унда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қўйиштириш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

Мазкур масала юзасидан «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши биринчи котиби П.Пармоновнинг маърузаси тингланди. Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳалари қучли манътикий изчилликка эга бўлиб, сиёсий партияларга берилаётган ваколат анча масъулиятлидир. Яъни, эндиликда сиёсий партияларнинг бевосита ҳукуматни шакллантиришдаги роли янада ошади. Бунда маҳаллий Кенгашлар энг аввало жамиятда ўз таъсирини ўтказиш бўлиш қобилиятига эга бўлмоғи лозим.

Пленумда «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши VI-Пленумида белгиланган вазифаларни партия Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан бажарилишига доир тегишли қарорлар қабул қилинди. Хусусан, келгуси Пленум муҳокамасига киритилиши белгиланган «Адолат» СДПнинг фаолиятини қўйиштириш ва янгилаш Концепцияси»ни ишлаб чиқишда шаҳар партия ташкилотларининг фаол иштирок этиш зарурлиги белгиланди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилоят Кенгашининг

VII-Пленумида ҳам Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган Конституциявий қонун лойиҳалари ҳамда вилоят партия Кенгашининг навбатдаги вазифалари муҳокама этилди.

— Мазкур қонун лойиҳаларининг моҳияти шундаки, аҳолининг турли қатламлари манфаатини ифода этувчи сиёсий партиялар ўз партиявий дастурларини бажаришга кўпроқ ваколатларга эга бўлмоқда, — деди «Адолат» СДП Тошкент вилоят Кенгаши биринчи котиби Тўғрун Иргашев. — Шунинг учун партиянинг вилоят кенгашлари, бошлангич партия ташкилотлари ҳозирданок қатор аҳамиятли вазифаларга жавоб излаш лозим. Жумладан, партиянинг жойлардаги ишларини ташкил этишда нималар эътибор бериш даркор? Партия аҳолининг ҳам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза этишга қўмқлашиш, ижтимоий адалат таъминлашга катъий амал қилиб, уларнинг манфаатлари, ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишда қай даражада хисса қўшади? Бу янги шароитдаги муҳим ва долзарб масалалардан бири айланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Зухра Ботирова бугунги кунда ҳар бир соҳанинг асл фойдалилари ва ташаббускорлари сафида аҳли аёл қатламини ўқитиш ва таъминлаш таҳсинига лойиқ эканлигини таъкидлади.

Пленумда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



Солиқ

Масъулият ва мажбурият

Бугун мамлакатимизда оқилона солиқ сиёсати олиб борилаётгани тўғрисидаги тадбиркорлик субъектлари сони кун сайин ортиб бормоқда. Айниқса, тадбиркорлар фаолиятига назорат қиливчи органлар томонидан ортиқча аралашилар ва ноқонуний текширишларга чек қўйилгани улар фаолиятини анча жонлантди. Шу ўринда яна бир гап. Туманимизда юридик мажбурият олинадиган даромад солигининг жами даромадлардаги улуши йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бундай ҳолат бюджет учун зарар бўлса, туман иқтисодиёти тараққиётда жуда муҳим омилдир. Чунки қорхона ва ташкилотлар ихтиёрида қоладиган пул маблағларининг ортиб бориши улар фаолиятининг ривожланишига хизмат қилади.

Бироқ, тадбиркор ва ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ана шундай бир пайтда айрим ундабуронлар солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан, банкка топиштириш лозим бўлган нақд пуллари топиштириш ўз вақтида амалга оширишдан

бўйин товлаётгани ачинарли ҳол. Ахир, тадбиркорга шунча ҳуқуқ, имконият берилгандан сўнг зиммасидаги масъулият ва мажбуриятни ҳам тўлақонли бажариши керак-да. Бинобарин, солиқ ва бошқа тўловлар, нақд пул ўз вақтида банк муассасасига келиб тушгандагина бюджетдан олинладиган маош пенсиялар, моддий ёрдам пуллари муддатидан ўтказилмасдан тарқатилади.

Дарвоқе, туман ДСИ «Қисқа муддатли текширувлар ўтказиш» бўлими ходимлари томонидан нақд пул тушуминини таъминлаш мақсадида 2006 йил 31 октябрь ҳолатига жами 290 та текширув ўтказилди. Унда 79 та ҳолатда назорат касса машинасида қўйилган маблағларнинг 103 та ҳолатда нақд пул тушумини яшириш, 107 та ҳолатда эса белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан ноқонуний савдо фаолияти юритиш билан шугулланганда қўйишнинг ичиндаги тадбиркорлар аниқланиб, 91,1 миллион сўмлик молиявий жарималар қўйилди.

Шу ўринда мисолларга мурожаат қилсак, «ВАНОР» МЧЖга

моҳиятида янги иқтисодий шарт-шароитда инсон манфаатларини, унинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш акс этган. Айни шунинг учун 2007 йилнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингани «Адолат» СДПнинг барча аъзолари қизгин қўллашди ҳамда бу қарорни меҳнат жамоалари ва бошлангич партия ташкилотларида кенг муҳокама этишаётир. Бу давлатимиз сиёсатининг ижтимоий йўналишини инсонпарварлик ва адалат принципларига асосланганлигидан далolat.

Бу қарорнинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда ёлғиз қарилар, нафақахўрлар ва ногиронларни қўллаб-қувватлашга доир давлат дастури янада ривожланади. Назаримизда, бу кенг миқёсдаги дастурий амалга ошириш барча давлат ва жамоат ташкилотларидан, мамлакатимиз фуқароларидан астойдил меҳнат қилишни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали таъдиқдаги маърузасида Президентимиз таъкидлаганидек, «Ўзбекистон равшанлиги, ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. «Ижтимоий» деган сўз кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурини амалга оширилиши мониторингининг самарали механизмининг яратиш, Олий Мажлис Қўйи палатаси барча қўмиталари иш режаларига мазкур дастурининг сўзсиз бажарилишини назорат қилиш вазифасини қўйиштириш ташаббуси билан қўйишни мўлжаллаган. Биз мамлакатдаги барча сиёсий қучларни ҳамкорликдаги аниқ сазй-ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқишда бирлаштиришга ҳақиқатан.

Келгуси йилда биз аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, барча даражадаги ижро ҳокимияти органларига бу масалада ўзини тўғри қўйишга имкониятни етказиш, шунингдек, сайлов округларида, депутатлар билан учрашувлар чоғида сайловчилар айтган бу борадаги фикрлар, тақлиф ва мулоҳазалардан хабардор этишга ҳаракат қиламиз.

Янги — 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йилидаги режаларимиз аҳолини кенг қатламлари хайрихоҳлиги ва қўллаб-қувватлаш билан амалга оширишга интиламиз. Шу боис партия ўз тарафдорларини келгуси йилдаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда фаоллик ва шижоат кўрсатишга даъват этади.

Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,

Ўзбекистон «Адолат» СДП

Сиёсий Кенгаш биринчи котиби,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Акционерлик тижорат «Ғаллабан»нинг Яқкабғой филиали 1019 та миҳозга хизмат кўрсатади. 44 нафар малакали мутахассис фаолият юритишда банк муассасасида омилиқлик билан иш юритилаётгани, тажрибарлардан кенг фойдаланилаётгани боис қатор ютуқларга эришилмоқда. Республика АТ «Ғаллабан» молиявий фаолияти якунлари бўйича филиал жамоаси кетма-кет икки маротаба биринчи даражали диплом билан тақдирлангани бунинг яққол далилидир.

Суратда: Банк бошқарувчиси (ўнгдан биринчи) Исроил Амонов мутахассислар Омон Тўраев ва Гулжаҳон Баратова билан галдаги режалар хусусида суҳбатлашмоқда.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат

Маҳсулот сифатига жавобгарлик

ишлаб чиқаришдаги мансабдор шахсларга ҳам тааллуқли

Давоми. Боши 1 - бетда

Шунингдек, қатор хоризқ давлатлари қонунчилигида ҳавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган, истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун ҳавфли бўлган товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши жиноий жавобгарлик деб таъсифланади. Шундан келиб чиққан ҳолда янги қонун лойиҳасида Жиноят кодексининг 186-моддасини номланганини «Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш», дея янги таҳрирда баён қилиш тақлиф этилмоқда.

Республикамизда спирт, алкоғолли ичимликларни контрабанда йўли билан олиб қилиниши, қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ҳамда сотилишига қарши курашиш бора-бора муайян чоралар қўйилмоқда.

Шунга қарамай, бундай ноқонуний ҳолатларга тўлиқ барҳам бериляпти, деб бўлмайди. Энг ачинарлиси, ҳуқуқни муҳофаза қиливчи ва назорат органларининг айрим ходимлари ўз ваколатларини суистеъмол қилиш, таъмағирлик мақсадида спирт, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний муомаласига бевосита ҳомийлик қилганликлари ҳолатлари ҳам мавжуд. 2005 йил ва жорий йилнинг 10 ойи давомида бундай ҳолатлар юзасидан 3726 та жиноий иш қўзғатилиб, 71 нафар шахс мансаб суистеъмолчилик учун жиноий жавобгарликка тортилган. Бу эса ушбу турдаги қонунбузарликларга қарши курашиш борасида жиноят қонунчилигининг роли ҳамда аҳамиятини қўйиштириш лозимлигини таъкидламоқда. Шунинг учун мазкур маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомаласида қилишнинг жавобгарлигини белгиласан. Жиноят кодексининг 186-моддаси биринчи қисмидаги жарима миқдорини икки юз бараваридан

тўрт юз бараваригача, иккинчи қисмидаги жарима миқдорини эса тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача ошириш тақлиф этиляпти. Шу каби, озоқликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатларини биринчи қисмда беш йилгача ошириш, иккинчи қисмда унинг энг кам муддатини 5 йил билан чегаралаш, учинчи қисмда эса энг кўп муддатини 12 йил этиб белгиланган илгари сурилмоқда. Қолаверса, юқорида тилга олиб ўтилган «ҳомийлик» тушунчаси ўз ваколат доирасидан фойдаланган ҳолда жиноят содир этиш учун ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш, енгиллик ёки бошқа қулай шароит яратиш каби қилишларни ўз ичига қамраб олади. Бундай жиноят учун 7 йилдан 12 йилгача озоқликдан маҳрум қилиш жазоси қўзда тутилмоқда.

Йилгилишда сўзга чиққан фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳаларини янада тақомиллаштириш мақсадида айрим тақлифлар билдирилди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг номланганини «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 2-банди «6» қисмидаги «муомаласида қилиш» ҳомийлик қилиш» жумласи «муомаласида қилиш» қонунга хилоф равишда ҳомийлик қилиш», дея ўзгариштириш мумкинлиги ҳам илгари сурилди.

Йилгилишда қонун лойиҳалари янги йилгилишда биринчи ўқишга қилиниши иштирокчилар томонидан маъқулланди. Қўрилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгиланди.

Бехбуд БОТИРОВ,

«Адолат» мухбири

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Ватанпарварлик ойлиги давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари ташкил этилганлигининг 15 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва ўтказиш тўғрисидаги фармойишига биноан Навоий вилоятида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Мудофаага қўмқлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар ўтказилмоқда. Навоий автомобиль мактабиде бўлиб ўтган ана шундай тадбирда тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, ҳарбийлар, ўқувчи ва талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, Ватан ҳимоячилари қўли олдидан ўтказилаётган анъанавий «Оммавий ватанпарварлик ойлиги» давомида бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида сўз юритди.

Юрт оқсоқиллиги, халқимиздаги тарихий қадриятлар, ҳалқимиз таъминлаш Ватан ҳимоячиларидан жуда катта масъулият, матонат ва сержиклиги талаб этади. Шу боис, ёш авлодни ватанпарварлик, истиқлол гоғларига садоқат руҳида тарбиялаш уларнинг ҳар томонлама етуқ тинчлик посбонлари бўлиб этишишда муҳим ўрин тутди. Бу борада ойлик доирасида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг

таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбирда курсантлар ўзларининг кўргазмали жанговар чиқишларини намойиш этдилар. Ёш авиамоделчилар клуби аъзоларининг амалий ишлари, спорт техникаларининг кўргазмаси ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шаҳардаги умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарларининг ўқув-семинарида Қуролли Қучларимиз ташкил топганининг ўн беш йиллигига қизгин тайёргарлик қилиш, ойликни муносиб тарзда ўтказиш, ҳарбий таълим дарсларининг самарадорлигини ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Сўнгра семинар иштирокчилари учун мерганлик, мактаб, қоллеж ва лицей ўқувчилари ўртасида эса ҳарбий амалий кўпкураш беллашувлари ўтказилди.

«Оммавий ватанпарварлик ойлиги» давомида бундай тадбирларни мунтазам ўтказиш тартиби, дейди Мазкур кенгаш раиси Рамазон Наврозов.

— Жумладан, ёшларни ҳарбий хизмат шарт-шароитлари билан таништириш мақсадида гарнизон ва ҳарбий қисмларда турли учрашув ва мулоқотлар уюштирилади. Қуролли Қучларимизнинг тарихи, мамлакатимиз ҳавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти бўйича жойларда тушуштириш ишлари олам бораётган.

Бўқул УМАР,

ЎА мухбири

Жонқарада янги ҚВП

Янги йил арафасида Ўзбек тўғрисидаги ҚВПлар соғи яна биттага қўпайди. «Ўзбек» ҳўжаллиги кўччиҳоилари истиқомат қилаётган Жонқара қишлоғи аҳолиси учун 127 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами билан янги қишлоқ врачлик пункти қўрилади.

— Осиё Тараққиёт банки ҳомийлигида 52 миллион сўмлик даволаш асосб-ускуналари олиб бериладиган аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди туман Марказий шифохонаси бош врачи ўришбосари Нормат Каюмов. — 317 нафар, 1845 нафардан ортиқ ўрта тиббийет ҳодимлари туман аҳолисида тиббий хизмат кўрсатишаёпти.

Ш.СУЛТОНОВ,

«Адолат» мухбири

Таҳлил

Ислохотлар инсон учун

Мамлакатимизда ўтган қисқа давр ичида иқтисодий ислох қилиш бўйича қабул қилинган ва амалга оширилган чора-тадбирлар, тармоқлар ҳамда соҳаларни ривожлантиришнинг муҳим мақсадли дастурларининг амалга оширилиши тадбиркорлик ва инвестиция муҳитига ижобий таъсир кўрсатди. Ҳомийлар ва шифокорлар йилнинг учинчи чорасида макроиқтисодий параметрларнинг жадал ривожланиши ва реал тармоқнинг ҳамма соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари давом эттирилди.

Масалан, 2006 йил январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулот ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,3 фоизга ошгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 120,9, ялпи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари 107,1, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш 116,4 фоизни ташкил этди.

— Иқтисодий эркинлаштириш жараёнида солиқ юкини камайтириш, солиқ тизими фаолиятида ошқоралик муҳитини шакллантириш, солиққа тортиш тартибини содда-лаштириш ишлари катта эътибор қаратилаётган, — дейди Давлат Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи А.Файзуллаев. — Солиқ соҳасида олиб борилаётган оқилона сиёсат эса ҳўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкини камайтирган ҳолда бюджетнинг даромад ва харажат қисмлари мутаносиблигини таъминлашга йўналтирилди. Иқтисодий ўсиш ва бизнесни легаллаштириш солиқ солиш базасини кенгайтириш билан бирга солиқ маъмуриятчилигининг яхшиланишини ҳамда давлат бюджети даромадларининг (мақсадли фондлардан ташқари) прогноз кўрсаткичларга нисбатан 3,1 фоизга ошишини таъминлаган. Қўмитаси, йилнинг тўққиз ойида экспортнинг умумий ҳажми 13 фоизга ўсди ва 4371,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди ва бунда тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоиздан ортиди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш борасида қўрилаган чора-тадбирлар туфайли рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектлари сони ҳисобот даврида йил бошидагига нисбатан 22,7 фоизга кўпайди. Соҳада, жумладан микрофирмалар, яққа тартибдаги тадбиркорлик ва фермер ҳўжаликларидан 264 мингта янги иш ўрни яратилди. Уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,7 фоизга ўсди.

Биргина маҳаллийлаштириш дастури доирасида 1135,8 миллиард сўмлик ёки прогнозга нисбатан 111,3 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилди. Саноат ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръати, биринчи навбатда, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва чакана савдонинг 12,2 фоизга кўпайтириш имконини берди. Иқтисодий ночор қорхоналарни молиявий соғломлаштириш ва истиқболсизларини тугатиш юзасидан 632 та қорхона мониторингинг асосида уларнинг 247 тасини қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлаштириш режалари ишлаб чиқилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликнинг олдини олиш, "Бандлик дастури"ни амалга оширишда борасида муайян ишлар амалга оширилди. Чўнончи, ҳисобот даврида ҳудудий бандлик дастурига мувофиқ, 437,7 минг иш ўрни ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,4 фоизга кўп.

Президентимизнинг "Йирик саноат қорхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида қўриқилган чора-тадбирларни тўғрисида"ги Фармонидан сўнг бажарилган амалий ишлар натижасида 114,6 минг иш ўрни барпо қилинди. Шунинг 40,6 мингтаси йирик қорхоналар билан меҳнат шартномалари асосида яратилди.

Бундан ташқари, 50 та янги мактаб қўриқиланишга топширилди, 364 та мактабда капитал реконструкция ва 527 тасида капитал таъмир ишлари бажарилди. Яна бир муҳим масала — ёш авлодни жисмонан соғлом ва барқарор тарбиялаш бўйича қилинган катор амалий ишлар ҳам эътиборга сазовор. Ўтган давр мобайнида жами 161 та болалар спорт мажмуаси қўриқиланишга топширилди. Шулардан 18 таси янгидан барпо этилди, 108 та мактаб спорт зали ҳамда 35 та спорт мажмуаси реконструкция қилинди.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида 28,9 мингта кам таъминланган оилага бепул қорамол

берилди. Қорамолнинг йўқотган 1,4 минг нафар кексалар уй-жойлари ҳомийлик ёрдами ҳисобидан таъмирланди. 23 минг нафар ёлғиз кишига ижтимоий хизмат кўрсатиш йўли қўйилди. Хусусан, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда ҳомийлар қўмағида юртимиздаги кўп болали ҳамда кам таъминланган оилаларга 10 миллиард сўмликдан зиёд қорамол олиб берилгани саховат ва ҳимматликланинг яна бир ёрқин ифодаси, десак муболага бўлмас.

— "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да республикаимизда табиий хизмат сифатини юксалтириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, табиий ҳодимлари меҳнатини қадрлаш, нуфузини ошириш бўйича ҳам катор ишлар қилинганлигини таъкидлаш жоиз, — дейди Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Н.Отабеков. — Айниқса, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, уларни замонавий асбоб-ускуналар, зарур жиҳоз ва мебеллар билан таъминлаш мақсадида давлат бюджетидан 7,6 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан бир ярим баробар кўп демакдир. Капитал таъмирлашга эса ҳомийлар ҳисобидан 7 миллиард сўм сарфлангани бажарилган ишлар қўламини яққол кўрсатиб турибди. Қўлаб олис шайхар ва туманларда янги шифохоналар, 250 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилгани ҳам шулар жумласидандир. Айни пайтда эса республикаимизда 3000 дан ортиқ КВП фаолият кўрсатмоқда. Ўнг муҳими, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат ва аҳоли фаровонлиги йўлидаги ислохотлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг январь-сентябрь ойида аҳоли жон бошига иҳтиёридаги реал пул даромадлари ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 20,1 фоизга ошганини қўвончли хол.

Қириб келаётган янги — "Ижтимоий ҳимоя йили"да ҳам инсон манфаатлари мамлакатимизда олий қадрият бўлиб қолади. Биргина мисол: давлат бюджетининг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 2006 йилда 51 фоизни ташкил этган бўлса, келгуси йилда бу кўрсаткич 54,1 фоизни ташкил этади.

Давур ЖОЗИЛОВ,
"Адолат" мухбири

Ибрат

Маърифатга ташна қалб

Бағрикенг, заҳматкаш ва муштираб аёл ҳақида сўз кетганда, негадир аввало оила, рўзгор ташвишлари, бола тарбияси каби ўта масъулиятли ва мушкул юмушлар кўз ўнгимизда намойиш бўлади. Дарҳақиқат, қўшдан олдин ётоқдан бош кўтариб то ярим тунга қадар доимий ҳаракатда бўлган, ҳам уй, ҳам жамоат ишларини ўз вақтида қўйиллатадиган ўзбек аёлига ҳар қанча таъзим айланган шунча оз. Мақолаимиз қаҳрамони — бувайдалик олий тоифали биология фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси, "Шўхрат" медали соҳибаси Раҳимахон Қўрғонова ҳам ана шундай хўрматга сазовор инсонлардан.

Табиатан жонқуяр ва тиришқоқ Раҳимахон опа, мана қарийб 30 йилдирки, ўрта умумтаълим тизимида, хусусан, қишлоқ жойларидаги мактаб ва коллежлар ўқувчиларига дарс беришнинг янги усулларини яратиш борасида илмий изланишлар олиб бормоқда. Ҳозирга қадар унинг олтинта ўқув қўлланмаси чоп этилган. "Биология ва миллий қадриятлар" ўқув

қўлланмасида муаллиф глобал муаммога айланиб бораётган она табиатни асраш ҳақида сўз юритади, атроф-муҳит мусоф-фолигига эришиш йўлларини ҳаётини мисоллар ёрдамида исботлаб беради. Мазкур тўплам аини пайтда аксарият ўқув масканларида ўқитилмоқда.

— Раҳимахон ҳақиқий фидойи педагог, — дейди Бувайда туман халқ таълими бўлими мудири Абдужалил Султонов. — Унинг қишлоқда яшаб, шу ер аҳолиси, ўқувчи ёшлар психологиясини бевосита ўрганиб, йиллар давомидаги кузатишларига асосланиб илмий изланишлар олиб бораётгани бесамар кетмаяпти. Заҳматли меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда.

Дарҳақиқат, Истиклолимизнинг 15 йили давомида Раҳимахон Қўрғонова ўн олти марта мукофотланди. "Биологиядан тест тўпламлари" қўлланмаси Республика Давлат тест марказининг "Ўнг яхши педагогик тестлар муаллифлари" танловида фахрли биринчи ўринга лойиқ топилди. "Малака оширувчиларни ўқитиш учун тўплам" ёхуд "Интерфаол усулда ўқитишнинг пе-

дагогик-психолок асослари" китобларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, жонқуяр педагог 2002 йил икки ой давомида Буюк Британияда илмий-амалий ўқув сафарига бўлиб, "Англия таассуротлари" китобини нашрдан чиқарди. Қаҳрамониимизнинг тўпламларига назар ташласак, ўқув қўлланмаларидан ташқари "Гинетика масалаларини ечиш усуллари", "Биология дарсларида экологик таълим бериш", "Кимё ва экология", "Интерактив усулда ўқитиш тажрибасидан", "Юқори синфларда ноанъанавий дарс" сингари ўнлаб семинар ва очик дарс мавзуларига дуч келиш мумкин.

Айни пайтда Бувайда педагогика коллежига раҳбарлик қилаётган Раҳимахон Қўрғонова ўз илмий изланишларини бир зум тўхтатмаган ҳолда, ўқув масканини энг илгорлар сафига кўтариш борасида ҳам талай ибратли ишларни амалга оширмоқда. Талабаларнинг даволати юқори, назарий ва амалий дарслар, турли тадбирлар мунтазам ўтказиб турилибди.

Мақсуд АКРАМОВ,
"Адолат" мухбири

ТЕРМИЗ ТУМАН

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

мамлакатимизнинг барча фуқароларини
Ҳайит байрами ва яқинлашиб келаётган
Янги – 2007 йил билан чин дилдан муборакбод этади

Муҳтарам юрдашлар, Ижтимоий ҳимоя йилида сизларга
бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, ишларингизга омад
ва муваффақиятлар тилаймиз.

Буюк келажакка муносиб ёш авлодни тарбиялаш
мақсадидаги барча ишларимиз хайрли бўлаверсин!

ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИДАГИ

«ЕМЕК»

ҚЎШМА ҚОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Бутун Ўзбекистон халқини муқаддас Қурбон ҳайити ва
Янги йил байрами билан қизгин муборакбод этади

Она-юрт истиқлолининг шукуҳи ва таровати бугун

Ўзбекистоннинг энг чекка ҳудудларида ҳам бўй кўрсатмоқда.

Йиллари хайрли ва мазмунли бўлган давлатнинг бу галги қадами ҳам
қутлуғ, улуғвор мақсадни кўзлаган – Ижтимоий ҳимоя йили бўлди.

Гувоҳи бўлиб турибмизки, мустақил Ўзбекистон тараққиёт сари дадил
одимламоқда. Юксак довлонларни кўзлаб меҳнат қилаётган қардош
ўзбек халқига бу йўлда ҳамиша омад ёр бўлсин!

Ҳамкорлик ришталаримиз мустаҳкамланаверсин!



Поклик ва зикр куни

Имом Бухорий ҳадисларидан бирида айтилишича, Расулulloх (алайҳиссалоту васаллам) Қурбон байрами хутбасида шундай деганлар: «Бугун байрам (хайит). Байрамимизни, аввало, қурбон намозини ўқиш билан бошлаймиз. Сўнгра уйимизга қайтиб, қурбонлик қиламиз. Ким шу шаклда ҳаракат қилса, ҳайитни суннати-мизга мувофиқ кутиб олган, қутлаган бўлади». Пайгамбар алайҳиссалом ҳайитни «емок, ичмок ва Оллоҳни зикр этиш кунлари», деб таърифлаганлар.

Ҳайит куни инсон, аввало, покликка риоя қилиши лозим. Уй-жойларини супуриб-сидириб, ўзига қарши, покланиши, тоза ва озода либосларини кийиши суннат амалларидан. Ҳайит кунининг шарофати инобатга олиниб, ҳатто бу кунда рўза тутиш ҳам ҳаром, дейилган. Аксинча, имкони бор мусулмонлар етим-есир, беморларни сийлаши, инфoқ-эҳсон қилиши, уларнинг кўнглини олиши, ота-она, устозларни ҳайит билан табриклаши катта савоб.

Ҳайит куни ҳафалашган мусулмонлар бир-бирини кечири-

ши, Оллоҳ ризоси учун бир-бирининг кўнглини кўтариши керак бўлади. Бирок зинҳор ҳайит кунини азага айлантириб, бидъатга, хурофотга йўл қўймаслик лозим. Баъзилар шундай улуг байрам куни уйларини фотиҳахонага, азахонага айлантириб юборадилар. Марҳумларни эслаш учун дуои фотиҳага келувчиларни эшик олдида қатор бўлиб, тўн кийиб, белбоғ боғлаб, қўл қовуштириб кутиб оладилар. Ҳайит куни бу яхши одат эмас. Ҳайитни ҳайитдек ўтказиш лозим.

Ҳайит куни Оллоҳга дуолар қилишимиз, тилакларимизнинг ижобат бўлишини исташимиз, Ҳаж сафарига кетган юртдошларимиз, биродарларимизнинг омон қайтишларини «сураши-миз керак.

Илоҳи, қурбон ҳайитини қутли, баракали, нурли қил. Ҳайитни ҳайитдек кутиб олишни, қалбларимизда мустаҳкам иймон, тансиҳатлик ва орият ато қил. Элимиз, юртимиз тинч-омон, фаровон, фаизга қон бўлсин!

Сайфилдин САЙФУЛЛОХ,
филология фахлари номзоди

Ким қандай кутиб олади?

Италияда Янги йил олтинчи январдан бошланади. Шу куни болалар яхшилик париси — Бефанини сабрсизлик билан кутишади. Негаки, Бефанининг кечаси сехрли супургисидан учиб келиб, болаларнинг махсус осиб қўйилган пайпоқларини совгаларга тўлдиришига ишонишади.

Панамада Янги йил кириб келиши биланок ибодатхоналарда кўнгириклар жаранлайди, сиреналар увиллайди, автомобиллар сигналлари чалинади. Одамлар эса бор овозлари билан бақиряшади. Бу шовкин-суронлар кириб келаётган Янги йилнинг «кўнглини овлаш» учун қилинади.

Германияликлар Янги йил кечаси соат ўн иккига бонг уранида стул устига чиқиб, пастга сакрашади. Бунинг маъносини улар

«Эски йилдан янги йилга сакраб ўтиш», деб тушунтирадилар.

Грецияда Янги йил кириши олдидан уй эшиги оҳиста чертилади. Эшик очилиши билан остонада турган киши кўлидаги оғир тошни ичкарига думалатади. Мехмон «Янги йилда сизларнинг бойлигингиз шу тошдай оғир бўлсин», дейди. Бунинг эшитган ҳар бир грециялик чиндан ҳам бой-иб кетадигандек хурсандчиликдан қўққа сакрайди.

Испанияликлар Янги йил кириши олдидан узумхўрлик қилади. Уларнинг ҳар бири бир соат ичида ўн икки бош узумни еб бўлади. Ўн икки бош узум — бу ўн икки ой дегани. Шу куни барча ресторан ва қаҳвахоналарда узумнинг барча навлари дастурхонга тортилади.

Шавкат ЕҚУБОВ тайёрлади

«ҲИСОРОЛДИ НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚИДИРУВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Азиз ҳамюртлар, Янги – 2007 йил барчамиз учун қутли, баракали келсин.

Эл-юрт равнақи, фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотлар бардавом бўлсин!



Тилаймизки, янги йилда барча орзу-ниятларингиз рўёбга чиқсин!

ТЕРМИЗ ИҚТИСОДИЁТ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

**барча ватандошларимизни,
соҳа ходимларини
Қурбон ҳайити ва Янги йил билан
табриклайди**

**2007 йил Ўзбекистонимиз
учун ҳар жабҳада тараққиёт
ва юксалиш йили бўлсин!**

2007

**Янги йилингиз
қутлуғ бўлсин, азизлар!**

«ТОШКЕНТ ЁР-МОЙ КОМБИНАТИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

**Ўзбекистон халқини муборак
Қурбон ҳайити ва кириб келаётган
Янги йил билан самимий қутлайди
2007 йил – Ижтимоий ҳимоя
йилида барча хайрли ишларимиз,
яратувчанлик, бунёдкорлик
йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз,
эзгу ниятларимиз ижобат бўлсин!**

**Хонадонингиздан бахт-қувонч,
қут-барака ҳеч қачон аримасин!**

Ўзбекистон
«Адолат» СДП
Сиёсий
Кенгазининг
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
газетаси

Таҳрир хайъати
Дилором
ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тургунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамазоир
ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари),
Талъат МУРАТОВ

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон Мат-
буот ва ахборот агент-
лиги томонидан 016
рақами билан рўйхатга
олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.

Телефонлар:
Қабулхона —
133-40-86
136-53-14
Факс —
133-40-86
Котибият —
136-55-96
Сиёсат ва партия ҳаёти
бўлими —
136-55-64
Хатлар бўлими —
136-55-64
Маънавият, адабиёт ва
санъат бўлими —
136-54-39
Иқтисодиёт ва саноат
бўлими —
136-54-39
Маркетинг ва реклама
бўлими —
136-55-96

Навбатчи муҳаррир —
Давур ЖОЗИЛОВ
Навбатчи —
Носир ҲАЙДАРОВ
Саҳифаловчи —
Латифжон ТУРСУНОВ

● «Адолат»дан кўчириб
босиш фақат таҳририят
рухсати билан амалга
оширилади.
† — Мазкур белги остида
тижорат мақолалари
чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г — 1400
Ҳажми — 2 босма табоқ,
Офсет усулида
босилган
Қозғалди А-2,
Адади — 1270

Нашр индекси — 100
Ҳафтанинг жума
кунлари чиқади

Босишга топшириш вақти
— 20.00
Босишга топширилди
— 01.45